

Пресс-тур: Намунали ҳоким ёрдамчиси фаолияти билан танишув

Пресс-тур: Намунали ҳоким ёрдамчиси фаолияти билан танишув

Жорий йил бошидан буён маҳаллаларда фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчилари аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, камбағалликни қисқартириш масалаларида бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келишмоқда.

Бугунги кунда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини баҳолаш, уларнинг самарадорлигига кўра рағбатлантириб бориш тизими йўлга қўйилган. Музработ тумани “Янги диёр” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси бўлиб фаолият юритаётган Дилбар Раҳимова ҳам фаолиятида юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга ҳоким ёрдамчиларидан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг 12 сентябрь куни ОАВ вакиллари иштирокида “Янги диёр” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси фаолияти, йўлга қўйилган лойиҳалар билан танишиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.







